Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 2 No. 2 (2026) · "Milliy statistika tizimida yangi bosqich: barqaror rivojlanish maqsadlari, xalqar... DOI: 10.5281/zenodo.24319953

"MILLIY STATISTIKA TIZIMIDA YANGI BOSQICH: BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARI, XALQARO STANDARTLAR VA ZAMONAVIY TENDENSIYALAR"

МАМЛАКАТИМИЗДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

ЯНГИЕВА НАРГИЗА САИДҚУЛОВНА
ТМС институти,
Иқтисодиёт, молия ва бухгалтерия ҳисоби кафедраси дотсенти в.б.,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотатсия: Ушбу мақолада солиққа тортиш механизми ва уни мамлакатимизда такомиллаштириш йўллари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: солиқ механизми, халқаро стандартлар, фойда, инвеститсиялар.

Аннотация: В данной статье анализируется механизм налогообложения и пути его совершенствования в нашей стране..

Ключевые слова: налоговый механизм, международные стандарты, прибыль, инвестиции

Кириш.

Жаҳонда корпоратив фойда солиғи фискал сиёсатнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Бюджетни тўлдиришдан ташқари, бу солиқ инвестициялар ва капитал оқимларини тартибга солади. Келгуси йилларда корпоратив солиқ қоидаларида катта ўзгаришлар кутилмоқда. Шу сабабли, ҳозирги рақобат ва келажакда бирлашиш нуқтаи назаридан фойда солиғини ундириш бўйича миллий тизимларни таққослаш айниқса қизиқарли. Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг замонавий қарама-қарши тенденциялари ҳукуматлар олдига доимий равишда янги талабларни, жумладан, корпоратив фойдани солиққа тортишнинг оптимал механизми орқали миллий иқтисодиётларнинг барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлашни қўймоқда.

Адабиётлар шарҳи

Фойдани солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш билан биргаликда солиқ механизми тўғрисида иқтисодчиларнинг фикрларини келтириб ўтамиз.

Россиялик иқтисодчи олим И.А. Майбуровнинг таъкидлашича: «Солиқ механизми – ўзида мамлакатнинг мавжуд бўлишини таъминлаш учун унинг солиқ тизимини бошқариш тартибини белгилайдиган ҳуқуқий меъёрлар тизими ва ташкилий чораларни ифодалайди. Солиқ механизмини ташкил этиш пойдевори – мамлакат солиқларни тартибга солиш функциясини амалга оширишга мутасадди субъектларни, солиқлар ва йиғимлар йиғиндисини, солиқ муносабатларининг субъектлар таркибини ва бу механизмни амалга

Published: 05.06.2026

Cite this article: Янгиева Наргиза Саидқуловна (2026). Мамлакатимизда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. Emro Science and Education, 2(2). https://doi.org/10.5281/zenodo.24319953

© 2026 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

оширишнинг аниқ қонун-қоидаларини белгилайдиган солиққа оид қонун ҳужжатлари сифатида эътироф этилади».

"Корхона фойдасини солиққа тортиш механизми" фойдани тақсимлашда солиқ муносабатларини ташкил этиш усуллари ва қоидалари мажмуи сифатида, унинг ёрдамида жамиятнинг барқарор ривожланиши мақсадларига эришиш ва тадбиркорлик субъектларининг тадбиркорлик фаолияти рағбатлантирилади ва бунинг натижасида давлат бюджетининг даромад базасининг ўсиши таъминланади.

Ж.Уразматов ва А.Абдувохидовлар фикрича, солиқ механизми “солиқ” категориясининг тақсимловчи моҳияти ва ушбу тақсимотни таъминловчи элементларнинг тизимли ўзаро алоқадорлиги асосида шаклланган воситалар (солиқлар турлари, уларнинг элементлари) мажмуини ўз ичига олади. Бизнингча, солиқ механизмини моҳиятини очишда “солиқ” ва “бюджет” категориясига хос бўлган тамойиллар, бугунги кундаги солиқ-бюджет сиёсати устувор йўналишларидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Таҳлил ва натижалар

Рақамлаштириш солиқ маъмуриятчилигида солиқ тўловчилар билан ўзаро ҳамкорлик жараёнларини соддалаштириш нуқтаи назаридан қўшимча имкониятлар яратади.

«Солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштиришнинг жорий этилишини ижобий томонлари қуйидагилар деб ҳисоблаймиз:

- солиққа тортишнинг баъзаси кенгаяди;
- шаффофлик ва ишончни оширади;
- рақамли технологиялар солиқларни тўлаш учун сарфланадиган вақтни камайтиради;
- солиқ маъмуриятчилигини самарадорлигини оширади;
- солиқ назоратининг натижавийлиги ошади.

Бизнинг фикримизча иқтисодчилар қайд этган мезонлардан ташқари солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш натижасида:

- солиқ базаси билан боғлиқ ахборотлар электрон базасини шакллантириш;
- солиқ тўловчиларга контрагентлар тўғрисидаги ахборотларни етказиб бериш;
- солиқ қарздорлик ҳолати тўғрисидаги тезкор ахборотларни шакллантириш;
- солиқ тўловчилар учун зарур қонунчиликдаги янгиликлар, услубий-тушинтириш ҳужжатларини тезкор етказиш;
- солиқ тўловчилар, ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлик масалаларда тезкор ва сифатли ахборот алмашувини амалга ошириш йўлга қўйилади.

Таҳлиллар натижасига кўра рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ органлари маъмурий босим тамойилидан воз кечиб, солиқ маъмуриятчилигини рақамли тизим асосида солиқ тўловчилар билан ҳамкорликда амалга ошириш мақсадга мувофиқ».

Фойда солиғи механизмини такомиллаштириш мақсадида корхона фойдасига солиқ солиш механизмининг самарадорлигини баҳолаш зарур. Фойдани солиққа тортиш механизмининг самарадорлигини баҳолашда фойда солиғини минималлаштириш, , солиқ юкини ва солиқни тўлашнинг қулайлиги каби коеффициентларни ҳисоблаш лозим. Ушбу коеффициентларни баллар бўйича тартиблаш ва уларнинг умумий қийматига мувофиқ солиқ механизмининг самарадорлиги нуқтаи назаридан тўловчини субъектларнинг маълум бир тоифасига киритиш таклиф этилади.

Фойдани солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш йўлларидан бири бўлиб фойда солиғи бўйича ҳисоботни соддалаштириш ва маълумотлар ишончлигини таъминлаш ҳисобланади. Бунда фойда солиғи бўйича ҳисоботни МҲХС лари талабларига мослаштириш ва уйғунлаштиришдир. Бу борада маълум ишлар амалга оширилди. Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 – йил 24-февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 4611-сон қарори хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва молиявий имкониятларни кенгайтириш қаратилган бўлиб, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали халқаро молия бозорларига чиқиш учун имконият яратади. Ушбу қарор мамлакатимизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича ҳуқуқий асос бўлди”.

Жаҳонда рўй бераётган жадал глобаллашув жараёнига мамлакатимиз иқтисодиётини мослашувини талаб қилади. Глобал инвестиция портфелига эга халқаро инвесторлар компаниялар томонидан иқлим ва бошқа экологик, ижтимоий ва бошқарув масалалари бўйича юқори сифатли, шаффоф, ишончли ва қиёсланувчан ҳисоботларни талаб қилмоқдалар.Молиявий ҳисоб тизимини замонавий талаблар ва халқаро стандартларга мувофиқлаштириш йўналишларидан бири бўлиб, молиявий ҳисоботнинг барқарорлик стандартлари (IFRS Sustainability Standards)ни ўрганиб, мамлакатимиз амалиётига жорий этишдир.

Халқаро Барқарорлик Стандартлари Кенгаши (ISSB) 2023 йил 26 июнда 2024 йил 1 январда ёки ундан кейин бошланадиган даврлар учун кучга кирадиган биринчи иккита Халқаро Барқарорлик Стандартларини (IFRS) қабул қилди ва амалиётда қўллаш учун чиқарди.

IFRS S1: “Барқарорлик билан боғлиқ молиявий маълумотларни ошкор қилиш учун умумий талаблар” (IFRS S1: General Requirements for Disclosure of Sustainability-related Financial Information). Ушбу стандарт ҳам фойдани тўғри ҳисоблаш ва фойдани солиққа тортишга таъсир кўрсатади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, фойдани солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришда МҲХС талаблари ва хориж мамлакатлар тажрибасини ижобий томонларини мамлакатимиз солиқ маъмурчилигида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ва таклифлар.

Фойда солиғи механизмини такомиллаштириш мақсадида корхона фойдасига солиқ солиш механизмининг самарадорлигини баҳолаш зарур. Фойдани солиққа тортиш механизмининг самарадорлигини баҳолашда фойда солиғини минималлаштириш, , солиқ юкини ва солиқни тўлашнинг қулайлиги каби коэффициентларни ҳисоблаш лозим.

Фойдани солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришда МҲХС талаблари ва хориж мамлакатлар тажрибасини ижобий томонларини мамлакатимиз солиқ маъмурчилигида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар

1. Майбуров И.А. Налоги и налогообложение. Учебник. 6-е изд., перераб. и доп. – М.2015.
2.Сяо Лися. Совершенствование механизма налогообложения прибыли предприятий кнр Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.10 – финансы, денежное обращение и кредит. Минск, 2022.
3.Уразматов Ж., Абдувахидов, А. Налоговый механизм распределения добавленной стоимости в условиях взаимного роста налогоплательщиков и налоговых органов. //Иқтисодиёт ва таълим. 2021 йил 3-сон. – 84 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 – йил 24-февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 4611-сон қарори
5. Exposure Draft and comment letters: Proposed Amendments to the IFRS Foundation Due Process Handbook. https://www.ifrs.org/projects/work-plan/2024-due-process-handbook-review/ed-cl-due-process-handbook-review/. 7.04.2025.